

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 20 май, чоршанба • № 39 (11.022) • Эркин нархда сотилади

«КЕЛАЖАК» ТАЛАБАЛАРИ
«ЯНГИЙҮЛМЕБЕЛЬ» хиссадорлик жамияти кўлаб сифатли махсулотлар ишлаб чиқармоқда...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЮЗАСИДАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА


Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ўтказилган текширишлар жойлардаги ҳокимликлар ва бозор раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли...

Бозорлар фаолиятдан тушадиган маблағ ва даромадлар назоратсиз тасаруф этилмоқда ва ўзлаштирилмоқда. Бухоро, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳри бозорларини акциядорлик жамиятларига айлантириш ҳамон пайсалга солини...

аттестациядан ўтказиш юзасидан комиссия тузиш; — бозорларнинг лаёқатсиз, нопоқ раҳбарларини ўз вазифаларидан озод қилиш, уларнинг бозор маъмуриятларидаги бошқа лавозимларда қолишига йўл қўймаслик; — бозорларни обдонлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш; — аҳолини қишлоқ хўжалиги, қорвачилик махсулотлари ва бошқа кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш...

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 16 май.



Қибрай тумани: ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

СЎНГИ йилларда Қибрай туманида иқтисодий-ижтимоий ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Бу нафақат ишлаб чиқаришда, балки туман аҳолисининг турмуши, фаровонлашиб бораётганида ҳам яққол кўринмоқда...

АДИБНИ ҚУТЛАБ

Хамаза номлидаги Ўзбек давлат академик драма театрида таъкид адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Уни таъбриқлаш учун ёзувчилар, шоирлар, қўшиқчилар билан ҳаммасларини, ёру биродарларни, дўстларни, шогирдларни бу ерга ташриф бурди...

ИСТЕЪДОДЛАР ОРАМИЗДА...
Халқ ичидаги истеъдодларни аниқлаш, уларни тарбиялаб, етук санъаткорлар даражасига кўтариш мақсадида Мухтор Ашрафий номлидаги Тошкент давлат консерваториясида қўриқ-танловлар ўтказиб туриш аниқланганга айланмоқда...

ЭНГ ЯХШИ ХАМШИРА

Яқинда Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалиги кооперативи маданият саройида туман ҳамшираларининг яқуний қўриқ танлови бўлиб ўтди. Қизғин баҳолар остида ўтган беллашувда олти нафар ҳамшира куч синашди. Унда туман марказий шифохонасининг ҳаётга қайтариш бўлими ҳамшираси Гулзира Мўҳсимова ўз маҳоратини намойиш этиб, голиб деб топилди...

ДАВЛАТ — ДИН — ФУҚАРО

МУНОСАБАТ, алоқа, ҳамкорлик... Улар замирида мураккаб ва серқирра жараёнлар ётади, давлат манфаатлари, жамият турмуш тарзи, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, қўндалик ҳаёт ўша жараёнларнинг қандай кечилишига боғлиқ бўлади. Умуман айтганда, диний ақиқатлар, умумжаҳамий миқёсда бундай боққичларни қонунлар тартибга солиб туради...

Конун ва шарҳ
Унинг устувор ҳолатлари нималардан иборат? — Қонун мажмуининг 23 модада ташкил этади. Виджон эркинлиги, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлиги, давлат маҳкамаларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг диний таъкидотлар билан ўзаро муносабатларига таълуқли ваколатлар, диний таъкидотлар, уларни рўйхатга олиш, диний урф-одатлар ҳамда маросимлар, диний адабиёт, ахборотлар, кино, фото, аудио, видео воситаларини тайёрлаш, саклаш ва тарқатиш, диний таъкидотларнинг диний алоқалари ва бошқа қўпгина масалаларни қамраб олган моддалар, айнқиса, эътиборга лойиқдир...

Дан бўён янги қонун бўйича иш ўзгача бўлади. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли худудларда виджон эркинлиги ва диний таъкидотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун маъмур қонун бўйича жавобгар бўладилар. Бошқача бўлиши мумкин ҳақида ислохотлар, истиклолнинг истиқбол шундай йўл тутганига тасвога этиди. Қонуннинг янги тақририда диний таъкидотларнинг низоми ва бошқа манзилҳоҳларнинг фаолиятларига таълуқли батафсил тушуночлар берилганлиги маънавият ўзини оқлади. Бундай моддалар «энди масъудлар ёилари» деган мишмишларга чек қўйди. Бу ҳолатни масъудлар очилса — қонуний очилди, акс ҳолда — қонуннинг ҳисобланди, деб тушуномқ лозим. Энди маърифий сўй-ҳаракатлар, ўзбoшим-чалликлар барҳам талади, деб ишонамиз.

аҳолиси иқлим шароити туфайли (шамол, кум бўронлари, гирдоблар) қўларидан бошқа ҳамма аъзоларини беркитиб юришга мажбур бўлган мамлакатлардан олиб келинган кийим-йилларни назарда тутган. Модорими, баъзи аёлларимизда ёки қизларимизда юзларини беркитиш истиғи ёки эҳтиёжи туғилган экан, нега ёт мамлакатларнинг кийимларига иқтисод қўйдилар? Бизнингча, гап бу ерда эътиқод устида эмас, билдик, қўр-қўрча таклид қилиш, диний ҳадасаводлик, қириб ва худбичлик, ўзини қўз-қўз қилишлик устида борган. Бизнинг аёллар ва қизларимизнинг миллий кийимлари Кўршон Қарим ва Ҳадиси шарифда қўрсатилган талабларга тўла мос келмади. Эътиқод ботинийдир. У қалбада бўлади. Уни ҳаётимиз, урф-одатларимиз учун ёт кийимлар кийиш билан қўз-қўз қилиш шарт эмас. Жамоат жойларига ибодат кийимларига юрмаслик бошқа динларга эътиқод қилувчи фуқароларга ҳам таълуқли эканлигини айтиб ўтиш керак. Яна бир гап. Уйма-ўй юриб, билар-билмас даъват ва тарғиботлар билан шуғулланётган, тўй-хашамларда олдиларига қўйилган таомларни харом деб аташга чор бориб ётаётган «отинча»ларга ҳам масъулимиз шукри, маъмур қонунни яхшилаб ўрганиб чиқиб, тегишли хулосалар чиқариб олсинлар. Йилгари замонарларда отиноларимизнинг мовилуд ўқиб бериш, қўлфат тушган хонадонларга маънавий мадад қўралиш билан шуғулланиб келганлар ва шу асосда лoқим даражада иззат-ҳурматга сазовор бўлганлар. Ҳозир эса баъзи «отинчалар»нинг туғайтан ишлари на қонунга, на маънавий урф-одатларимизга мос келмади? Менимча, жамоат таъкидотлари, ҳуусон, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла оқсоқоллари оиналарда содиқ бўлаётган юқоридаги «янги» расм-рўсуларга қўриқ эътибор бeрсалар ёмон бўлмас эди. Виджон эркинлиги ва диний таъкидотлар тўғрисидаги қонуннинг 19-модаласида диний адабиётлар ва диний мақсадларга мўлжалланган ашблар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш шартлари белгилаб берилди. Муштарийлар эътиборини, айнқиса, диний адабиётлар мавзусига жалб қилишни истар эдим. Сўнгги йилларда муаллифлари тайинсиз, ислом ақидаларига турлича ёндошилган, баъзи ҳолларда эса зид йўсунда тарқин қилинган, баъзан жамиятимиз учун ёт бўлган маъабларга таълуқли, жумладан, ислом ақидаларистлиги гоғлар билан йўрилган китоблар аҳолининг қўпгина бoриб тега бошлади. Миссионерлик фаолияти билан шуғулланётган айрим секталар эса республикамизда ўларнинг машўум ва зарарли таълимотларини тарғиб қилувчи китобларни ўзбек тилида нашр эттириб, тарқатишга уриш юрдилар ва бунга қисман муваффақ ҳам бўлдилар. Янги қонун бундай уришилларга барҳам беради ва жамиятимизни соғломлаштириш жараёнига ҳисса қўшади, деган фикрдимиз.



ИЖТИМОЙ — РИВОЖЛАНИШ

«ТАРЖИМАИ ҲОЛ»

Маркази — КИБРАЙ шаҳарчаси

ТУЗИЛГАН вақти — 1933 йил 1 декабрь. Ж О Й Л А Ш Г А Н жойи: Тошкент шаҳрининг шимолий шарқиди.

ХУДУДИ — 561 квадрат километр.

ЧЕГАРАДОШ худудлар: Тошкент шаҳри, Б ў с т о н л и к , Юқоричирчиқ, ЗА-НГИОТА туманлари ҳамда Қозғистон Республикаси.

ЯҚИН темирйўл бекати — Қодиря — 10 километр.

КИБРАЙ тумани маркази ва Тошкент шаҳри марказининг оралиғи — 18 километр.

ТУМАНДАН ўтадиган темир йўли — Тошкент — Хўжакент электр темир йўли.

СУВ хавзалари: Чирчиқ дарёси ва Бўзсув канали.

Шаҳарчалар — КИБРАЙ, САЛОР.

Қишлоқлар — Байтўғон, Ёнарик, Май, Матқобулов, Оққоқ, Тузел, Чинобод, Янгиобод, Ункўрган, Қизил ту.

ЖАМИ корхоналар — 600 та.

ХУСУСИЙЛАШГАН корхоналар — 450 та. ҚУШМА корхоналар — 11 та.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

• ТУМАН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ тизимида марказий маданият уйи, 14 та клуб, 48 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда, 4 та мусика мактабиди 1205 нафар ўқувчи билим олаётди.

Маданият муассасаларида таниқли адиблар билан учрашувлар аёнага айланган. Яқинда тумандаги маданият масканида «Оила йили — саноат йили» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда шира Ойдин Хожиева, адабиётшунос Иброҳим Фофуров кибрайликларни ўз ижодлари билан таништирдилар.

• «ҚИЗИЛ ШАЛОЛА» жамоа ҳужалиғи худудидида жойлашган боғча, мактаб, касб-ҳунар лицейидан иборат ўқув мажмуиди 1,5 минг бола билим ва тарбия олмақда. Тажрибали зиёкор Абдурахим Туёқбоев раҳбарлик қилётган бу даргоҳни ўқув қўлланма воситалари, жиҳозлар билан таъминлаш, биноларни капитал таъмирлаш учун 16 миллион сўм маблағ сарфланди. Мактаб ёнида спорт мажмуи ҳам барпо этилаётди.

МАМЛАКАТИМИЗДА сўнгги йиллар ичидида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасидида қатор ижобий натижаларга эришилди. Одамлар ислохотлар учун эмас, ислохотлар одамлар учун ишламоқда деган тамойил тобора турмуш тарзини миздан устаҳкам ўрин олмақда. Ўзбекистоннинг ўзи танлаган йўлдан изчил бориши, халққаро ҳамжамиятда бошқарувининг «Ўзбекистон модули» деб аталган ўзига хос услуби пайдо бўлишининг ўзбек республикаси нифузи дунё миқёсидида тобора ортиб бораётганидиган далолат беради.

Ислохотлар йўли вилоятимиз, айни пайтда, унинг шаҳар ва туманларида устувор аҳамият касб этди. Бунёдкорликлар қўламини кенгайтиди, кўплаб янги турар-жойлар, тиббий муассасалар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад кўтарди. Шарқона услубда, миллий меъморчилигимиз талаблари асосидида қурилаётган гузарлар, савдо шаҳобчалари, умумий овқатланиш корхоналари хуудлар чиройига-чирой қўшмоқда. Спорт иншоотлари, кенг, раван йўللар, кўплаб ёшларни бағрига олан янги иш жойлари... Хуллас, ҳамма-

ҳамма соҳаларда тараққиётимизнинг улкан дебочалари кўзга яққол ташланмоқда. Мустақиллигимизнинг еттинчи йилини нишонлаётган кунлар ҳам узоқ эмас. Шаҳар ва туманлар саноат корхоналари, жамоа ҳужалиқлари, ташкилотлар ва муассасалар байрамни муносиб кутиб олиш учун бор имкониятларни ишга сояптиллар. Маҳаллалар жамоли йил сайин эмас, балки, ой сайин ўзгариб бормоқда. Айрим худудларда бир неча кун бўлмаган одам бу манзилга қайтгач, уни танимай қолаётди.

Ўтган шанба кун Кибрай туманидаги юқоридидаги каби ижтимоий-иқтисодий самаралар билан танишиш мақсадида вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳокимлари, жамоатчилик вакиллари маэзкур туманга таширф буюрдилар. Илгарилари бўлгани каби «Тошкент ҳақиқати» истиқлолимиз байрами олдидида шаҳар ва туманлардаги яратувчилар, ислохотлар борасидида эришилган муваффақиятларга бағишлаб саҳифалар бериб боришни режалаштирди. Бугун Кибрай туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожиди хусусиди хикоя қиламиз.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ТУМАНИМИЗ шундоққина пойтахт биқинидида жойлашган. Шунинг учун ҳам юртимизга келган меҳмонлар ҳам, шаҳардан ташқарига чиқиб хордик оладиган аҳолининг кўпчилиқи қисми ҳам туман худудидида ўтади. Ана шунда улларнинг бири бўлмаса бири, албатта, атропои кузатади. Яқин-ёмон ишларимизга баҳо беради.

Агар атроф озода, саранжом-сарништа, кўрганда кўз қувонадиган даражада бўлса, дили яшнайдди. Аммо, аксинча бўлса-чи? Унда қилган барча яқши ишларимиз, бир жойдаги ахлат уюми, ишлов берилмаган боғ, далага кўз тушганда улларнинг соясида қолиб кетиши мумкин. Зотан, хулоса айримларга оддий бўлиб тулган, ким ҳам ээтибор беради, деб хафсаласизлиқ қилганган чала ишларга қараб чиқарилади.

Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, дейишди халқимизда. Тўғри-да, инсон ташки қўрилишдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, албатта, унинг қилган ишлари ҳам гўзал бўлади. Шунинг учун ҳам туманимизда биз ҳар томонлама қомил инсонларни тарбиялаб воьга этказишга ҳаракат қилганимиз.

Бу ишда зиёлилар, маҳаллалар фаоллари, кўпни кўрган қариялар олдиди оьрган қилган тизимли ишларимиз ўзига хос янги ҳаракат таърифлари, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари намунали фаолият кўрсатаётди. Буни қўйидаги мисоллардан ҳам курси бўлади. Масалан, ўтган йили туманда аҳолига 524 миллион 578,8 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида эса бу курсатки 166 миллион 415 минг сўми ташқил этди.

ларни ишга туширляпмиз. Бир неча хорик фирмалари билан шартномалар имзоладик. Мақсадимиз бундан буйе нафақат ички бозор учун махсулот тайёрлаш, балки четга ҳам сотишдир. Ана шунда корхоналарнинг, қолверса туманимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалади. Эеро, мақсадимиз битта — у ҳам бўлса аҳоли фаровонлиғини ошириш, инсон учун лозим бўлган барча неъматлардан тула баҳраманд бўлишига эришишдир.

Туманимизда саноат корхоналари анчагина бўлса-ди иқтисодиётда қишлоқ ҳужалиғи махсулотлари ишлаб чиқариш алоҳиди ўрин тутлади. Шунинг учун ҳам боғдорчилик, деҳқончилик, чорва махсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда, улларни қайта ишлаб, истеъмолчиллар дастурхонининг йил буйи мазали, сифатли махсулотлар билан тўқин бўлишини таъминлашга ҳаракат қилганимиз.

Бунинг учун, аввало, суғориладиган ерлар самардорлиғини ошириш, деҳқоннинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлаш бш мақсад қилиб олганимиз. Қилаётган ҳаракатларимиз зое кетмапти.

Чорва махсулотлари тайёрлаш кўп жойларда қамайиб кетаётган бир пайтда туманимизда бу соҳада ҳам ижобий ютуқларни кузатиш мумкин. Масалан, ўтган йили 2782 тонна гўшт тайёрланди. Ваҳолини, 1996 йилда бу курсатки 2390 тоннани ташқил этганди. Сут тайёрлашда ҳам шундай манзара янги ўсишни кўриш мумкин.

Шуни мамнуният билан таъкидлашнинг истардимки, аҳолига берилаётган ёрдам, яратилаётган яқши шароит туфайли одамлар қўлидаги қорамоллар, қўй-эчкилар, паррандалар сони тобора ортиб борапти. Тумандаги аҳоли қўлида бир йили ичиди биргина қорамолларнинг ўзи қариб 2 минг бошга қўпайганлиғи фикримнинг далилидир.

Биз она еримизнинг туپроғини олтинга қиёслаймиз. Амалда ҳам шундай. Саховатли еримизда суқилган таёқ ҳам янабо кетиши шубҳасиз. Ҳар йили катта меҳнат эвазига шу заминда минглаб тонна ҳосил етилади. Лекин, уни териш, ташити, сақлаш, қайта ишлашда бир қисми нобуд бўлади. Бу йил биз бунга йўл қўймайлик мақсадидида Янги Тошкент консерва ҳиссадорлик жамияти ишини тубдан яқшилаймиз. Яқинда у ерга ёш, ғайратли, билимдон йилит Мухтор Акбаровни раҳбар этиб тайинладик. Уйлаймизки, бу ерда ҳам ишлар бундан буйе юришиб кетади.

Қолаверса, бошқа ерларда ҳам қишлоқ ҳужалиғи махсулотларини қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш, яъни саноатни қишлоққа олиб кираш асосий ишларимиздан бири бўлиб турипти. Шу мақсадда жойларда ички-кички махсулотларни қайта ишлаш цехларини қураганимиз. Ункўрган қишлоғида исроиллик ҳамкорлар ёрдами билан қурилган сутни қайта ишлаш заводи фирмининг ёркин далилидир.

Туманимизда иқтисодиётни юксалтириш, саноат ва қишлоқ ҳужалиғини ривожлантириш, рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш, уни нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам сотишга катта ээтибор берилляпти. Ээгу мақсад йўлида қилаётган ҳаракатларимиз зое кетмапти. Туман иқтисоди барқарор ривожланимоқда. Шунга яраша аҳолининг турмуш даражаси ҳам усиб бормоқда. Биз ана шу ээгу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилаверамиз. Аҳил, иноқ, меҳнатқаш инсонларимиз бор экан, ишларимиз юришаверади.

Мирзашаҳраб КУЧЧИЕВ, туман ҳокими.



КИШЛОҒИМИЗ ФАОЛЛАР БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ

амалга ошди. Шу кунларда янги барпо этилган маҳаллаларга газ ва сув тармоқлари тортилмоқда. Бунёдкорлик ишлари билан бирга оилаларни моддий-қўллаб қувватлаш доимий ээтиборимизда бўлмоқда. Шу йилнинг ўзиди 200 дан кўпроқ оила юртбошимизнинг кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам курсатиш бараманд бўлди.

Биз кўп йиллар давомида меҳнат қилган, жамиятимизга муносиб фарзандларни оёқга қўйган оилаларни ибрат қилиб курсатиш орқали эврат қилиб кенг йўлга қўйилди. «Ункўрган», «Туркистон», «Янгийўл» маҳаллаларида эса гузарлар барпо этилди. Маҳаллалар ўзларининг янги биноларига ээга бўдиллар. Ўтган йили ва бу йилнинг биринчи чоратиди қишлоқни галлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш борасидида белгиланган режалар ҳам

тасвиялар қабул қилди. Унда фуқаролар йиғинлари ва маҳалла кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Нуроний» ва «Қамолот» жағфармалари, мактаб ва болалар боғчалари, ота ва оналар зиммасида турган вазифалар мўжассам топди.

Узимиз маэзкур тасвияларга қатий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатяпмиз. Семинар кенгашдан кейинроқ фуқаролар йиғини, маҳаллалар идоралари ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб улруга ўзгача қурқ бағишланди. Хотин-қизлар билан ишлаш, болалар тарбияси билан шуғулланишда туман маъмурий идоралари ҳодимлари иштирокни кучайтирдик. Улар ҳуқуқий-тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказишда бизга қумаклашмоқдалар.

Фуқаролар йиғинида маҳаллаларда ибратли оилаларни шарафлаш, улларнинг

сурат кўргазмаларини ташқил этишга алоҳида аҳамият берилди. Хусусан, йиғинимиз идорасидида йиғин раиси Меҳрибон Тожиева ташаббуси билан 6 нафар — Зикрилла Исоқов, Хусан Олимов, Тошой ота Давронбеков, Абдуҷаббор Абдурахимов, Абдулла Зикриллаев, Раҳмат Азизхўжаевлар оилаларини сурат кўргазмаси ташқил этилди. Тасвияларга биноан, мактабларда «Оила; жамият ва мактаб» ҳуқуқий университетлари фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, йиғинимиз фаолиятида меҳнатқашлар турмуш ҳаётини яқшилаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш — асосий мақсад бўлиб қолган.

Зиор МУҲАММЕДОВ, Ункўрган қишлоқ фуқаролар йиғини котиби. • Қишлоқ фуқаролар йиғинида фаоллар билан суҳбат ҳамиша қизгин ўтади (юқоридидаги сурат).

ОИЛА ТИՇЧ — ЮРТ ОБОД

БУ ЙИЛ Оила йили деб аталди. Туманимиз аҳолиси ҳар бир оила, ота-она, фарзанд тўғрисида гамхўрлик қилиш, оила фаровонлиғини таъминлаш, улруга муносиб турмуш тарзини яратиш, жойлардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар, етим-есирлар, ниғиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга асосий ээтиборни қаратмоқдалар.

Ҳозир туман раванқини таъминлашда, фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, тadbиркорлар, жамоат ташкилотларининг оила йилидаги режаларни изчил амалга оширилмоқда. Туман хотин-қизлар кўмитаси ва унинг фаоллари мавзуда 12 та қишлоқ ва шаҳарчаларда истиқомат қилаётган ҳар бир оилга кириб бориб, улруга фарзандлар тарбияси қандай йўлга қўйилганлиғи, оиладаги

поғонага кўтариллиши оилалар бошланади. Бахтиёр оила — бахтиёр жамият демақдир.

Биз йил бошидан буйе ҳар бир қишлоқда 100 тадан намунали оила бўлишига эришиш учун ҳаракат бошладик. Бу пироваридида бошқаларга ҳар жиҳатдан ибрат курсатдиқан 1200 та намунали оила вуҷудга келди, демақдир. Ушбу ҳаракатнинг дастлабки натижасини июнь ойида ақунламоқчимиз. Шунанча қишлоқлардаги ҳар бир оила билан шахсан танишиб, суҳбатлашиб, намунали оилалар қандай бўлиши лозимлиғини тушунирляпмиз. Оиланинг намунали эканлиғи ҳақидаги хулосани қишлоқ аҳолиси йиғини чиқаради.

Ҳозир қишлоқларимизда «Оила — менинг оиламим», «Оила тинчи — умр ривожиди» каби мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказилаяпти. «Маҳалланинг энг тadbиркор аели» деган мавзуда қурик-танлов ўтказилаётгани ҳам хотин-қизларда тadbиркорлика ҳавас ва интилиш пайдо қилмоқда. Кибрайлик Маэшуқра Абдураэзқоова, янгибодлик Шайра Рустамова, Гўлмуҳор Исаева қурик-танловнинг қўлиб бўдиллар. Улар қандолатчилик, тикувчилик ҳамда кимёвий тозалаш цехларини очиб, аҳолига савдо хизмати курсатибгина қолмай, кўпгина хотин-қизларни доимий иш билан ҳам таъминладилар.

Туман хотин-қизлар кўмитаси яқинда 50 нафардан кўпроқ оилаларнинг шу худуддаги ҳарбий қисмда йиғитлик бурчини ўтаётган фарзандлари билан учрашувларини келдиладир, ўз фарзандларининг ҳарбий хизматини қандай ўтаётганлиқлари билан ақундан танишдилар. Ўзбекистонда удумга кўра катта оилаларда «Файв» гуруҳи санъаткорлари ўз истеодларини намойиш қилдилар. Биз бундай учрашувларни


тез-тез ўтказиб туришга қарор қилдик. Тумандаги энг кеска аёл — янгибодлик 105 ёшли Ҳавохон ая Отауллагава билан бўлган учрашув ҳам қишлоқларда яқши таассурот қолдириди.

Шу кунларда ибрат «Иқбол» қурик-танлови ўтказилмоқда. Унда қизларимизнинг мўтабаслиғи, малақаси, рўзгор табассути, ҳуқуқий маданияти асосий мезон қилиб олинмоқда. Тошкент Давлат ағар университетиди иқтисод факультетининг талабиси Дилором Алиева бу танловнинг қўлиб бўлди. Шунингдек йил бошидан бери мунтазам ўтказилаётган «Энг ибратли келинчақ» қурик-танлови ҳам ёшларнинг ўртасидида ташқил-тарбиявий аҳамиятта ээга бўлмоқда. Ота-оналарнинг талаблари билан барча мактабларда «Қизлар клублари» очиллиб, улларни турмушга тайёрлаш билан яқиндан шуғуллана бошлади. «Оталар клублари» қатнашчиларига фарзандларга шахсий ибрат курсатиб тарбиялаш йўли фуриқлари ўргатилашмоқда. «Йимон, ээтикод ва аёл» конференцияси, «Конституцияда мўрқиланган бахт» мавзуларидида йиғиллишлар, чет эл элчиқоналари аёллари билан учрашувлар, «Ватан оиладан бошланади» деб аталган қизлар ва оналар иштирокидида ўтказилаётган семинарлар, «Кўша қариялар байрами»нинг тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда. Оила йили муносабати билан ўтказиётган тadbирларимиз кўп. Уларнинг барчаси оиланинг тинчлиғини, хотин-қизларнинг жамияттаги фаолигини, фарзандларни жамият учун фойдали инсон қилиб тарбиялашдаги муҳим ўрини тўғиштириши таъминламоқда.

Биқихон ШЕРАЛИЕВА, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким муовини.



• «ТУРОН-97» масъулияти чекланган фермерлар уюшмасининг сутни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган қаймоқ, сузма ва бошқа махсулотларга талаб ортиб борапти. Улар сифатлилиғи билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Суратларда: лаборант Наталья Шурула иш устида; «Турон-97»нинг ташқи кўриниши; оператор Руваши Шамсиев идишлардаги сут оқимини мосламақда.



ИҚТИСОДИЙ ЙЎЛИДА

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюқ аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

ИСЛОМ КАРИМОВ.

ХИЗМАТИМИЗ юзасидан фуқаролар йиллигида, маҳаллаларда тез-тез бўлиб пенсия борасидаги ўзгаришлар, тўғрисида суҳбатлар, савол-жавоб дарагалари уюштириб турамиз. Шундай пайтларда ҳалол меҳнатларнинг рохатини кўраётган оталар ёки оналардан миннатдорчилик сўзларини эшитганимизда дилимиз айраб кетади.

Чиндан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йиллар ичида пенсионерлар нафақалари бир неча бор ошди, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга эътибор ортди. 16 ёшгача бўлган болаларга туланадиган нафақалар кўпайди. Биргина бизнинг туманимизда 18 минг 949 нафар пенсионерга бир ой давомида бериладиган пенсия миқдори 32 миллион 500 минг сўмини, 1997 йил мобайнида эса 343 миллион 140 минг сўми ташкил этди. Туман ҳокимлигининг доимий назорати ва меҳрибонлиги тўғрисида маблағ эгаларига ўз вақтида етказилаётган. Айни пайтда ҳар йили кенсалар пенсияси олувчилар сафига кенгаймоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзига 1168 фуқарога пенсия хужжатлари расмийлаштирилди. Биз янги қўшилган пен-

сионерлар билан ҳамisha яқкама-яқка мулоқотда бўламиз. Сабаби, тўғриси айтиш керак, улар орасида ҳали ўз ҳақ-хуқуқини тўлиқ тушуниб етмаган фуқаролар ҳам бўлади. Бир вақтлари ўриндошлик йўли билан ишлаб кўйгану, лекин у ҳақидаги маълумотларни хужжатига дағи бўлимини очган эдик. Ойла йилида ҳам шу бўлим орқали ёрдамга муҳтож ногиронлар ва ёлғизларга моддий мадад кўрсатиб боришмоқда. Байрамлар, турли тантаналар чоғида уларга совғалар, кийим-кечақлар улашилмоқда. Яқинда Фалаба байрами арафасида 454

ўриндиқли қоляскалар, ясама — ортопедия буюмлари олиб берилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 120 нафардан ортиқ уруш ногирони ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳар ойда бензин учун тоғон пули билан таъминланмоқдалар. Туманимизда ёлғиз қарияларга алоҳида аҳамият берилган. Президент фармонида кўра улар мунтазам моддий қўллаб-қувватлаб борилаётган. Бу мақсадлар учун ҳар ойда 120 минг сўмдан маблағ ажратилган. Бундан ташқари, 5 нафар ёлғиз кексалар кунлик иссиқ овқат билан бепул таъминланаётганлар. Биз пенсионер — фахрийларимизнинг санаторий, дам олиш уйларида соғломлаштириш, кўнгилли хордиқ чиқаришлари режалаштириб бормиз. 1997 йилда 93, бу йил 30 нафар киши бундай имкониятлардан баҳраманд бўлди. Шу йилнинг биринчи чорағида 150 дан кўпроқ киши тумандаги Фахрийларнинг соғломлаштириш оромоҳларида саломатлигини мустаҳкамлади.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

«НУРОНИЙ» жамғармаси туман бўлимининг раиси Жўра ота Хоназаров саксонга тўлсалар ҳам тиниб-тинчимайдиган одам. «Байтқўрғон» жамоа ҳўжалигига тегишли, лекин кўп йиллардан бери қаровсиз қолган ерда бу кишининг ташаббуси билан 30 ўринли қариялар оромоҳи қад кўтарди. Иккинчи йилдири, оромоҳда фахрийлар салома тликларини мустаҳкамлашмоқдалар. Утган вақт мобайнида бу маскан бoш шифокори Муножот Эрматов ҳамда олти нафар ҳамширалар 300 нафардан кўпроқ кексаларга тиббий хизмат кўрсатадилар.

ШУ КҮНЛАРДА туманда фаолият кўрсатаётган 257 та спорт шўбаларида 3 мингдан кўпроқ ёшлар спортнинг 12 тури билан шугуллиништирилади. Туманда кўплаб спорт усталари, усталикка номоздлар етишиб қикди. Кунни кеча туман марказида шохмот клуби очилди. Илҳом Орипов раҳбарлигидаги бу клубга 70 дан ортиқ ишқибозлар жалб этилган.

Бир неча йилдан буён туманда ўтаётган оилавий шохмот мусобақасида Хабибулло Ортиқовлар оиласи голлиб чиқишмоқда. Ойла аъзо 18-мактаб ўқувчиси 12 ёшли Муяссар Ортиқова Францияда ўтадиган ўсириллар мусобақасига бориш тараддудини кўрмоқда. Унинг акиси Умаржон Ортиқов эса вилоятда биринчи ўринни олиб, республика ўсириллар мусобақасида тенгдошлари билан беллашадиган бўлди.

Утган йилнинг ўзига бу ерда 30 дан ортиқ янги спорт майдончалари очилиб, ҳозир уларнинг сони 147 тага етган.



Бу боғчада ширинтойлар учун барча қўлайликлар муҳайё.



Янги шохмот клубида уйин қизгин.

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАСАЛАСИ

кўшишга бепарволик қилган. Шундайларга қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилган, уларнинг пенсиялари янада ортади. Ўзлари хурсанд бўлиб қоладилар. Иجتимоий таъминот бўлиминизда ногиронлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилган. Умуман, уруш ногиронлари, қатнашчилари, урушда ҳалок бўлган жангчилар оиласи, аниқ рўйхатга олинган. Инсон манфаатлари йилида «Қизил ярим ой» жамаиати туман бўлимин билан ҳамкорликда «Меҳр-шафқат, саломатлик» жамоатчилиги асоси-

нафар иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ҳар бирига 1500 сўмдан ажратилган пул маблағлари уларга алоҳида бўлими орқали ўз вақтида етказиб берилди. Бу ишларда бизни ҳокимлик, «Нуроний» жамғармаси қўллаб-қувватлаётганини алоҳида эътироф этмоқчимиз. Утган йили ўттиз нафар ногирон аравачалари, ҳассалар, эшитиш аппаратлари билан таъминланди. Бу йил Наврўз байрами арафасида улардан яна бир нечаси ҳокимлик томонидан шундай қўлайликларга эга бўлди. Қатор ногиронларга юмшoқ

Мавлуда ПИРМУХАМЕДОВА, туман иجتимоий таъминот бўлими мудир.

ОДАТДА чорва махсулотлари тайёрлаш, айниқса, сут соғиб олишни кўпайтириш анча кийин жараён. Аввало, моллар зотдор бўлиши, қолаверса, емишининг етарлилиги, унинг ўсимлиги катта аҳамият касб этади. Киши совуқ, ёзи иссиқ бўладиган Ўзбекистон шароитида жониворларни касалликка чалинтирамай парварилаш машаққатини айтмас экан бўлавермади. Аммо, бизнинг ўзбек деҳқони ҳам, чорвалари ҳам кийинчилклардан қўрмайдиган меҳнаткаш кишилардир. Фақат ўз меҳнати самарасини кўрса, хис қилса, бўлгани. Мен бошчилик қилаётган «Солиқ» фермер ҳўжалигида 100 бoшдан ортиқ қорамол бор. Унинг 60 тасини ситилар ташкил этади. Ана шунча молни боқиш, сутини соғиб олишни эплаштираймиз.

Аммо, кунига соғиб олинган 250-300 литр сутнинг сифатини бузмаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб беришда жуда кўп кийинчилкларга дуч келардик. Айрим пайтда соғиб олган сутимиз айниб, сифати бўзилиб қолган пайтлар бўлган. Бу ҳолни хўжалигимиз, қолаверса, туман раҳбарлари яхши билишади.

Шунинг учун ҳам Исроил элчихонаси кўмагида сутни қайта ишлаш кичик заводи учун усуналар олиб беришди. Заводиимиз учма катта бўлмасада, ишлаб чиқариш қўвати анча юқори. Бир сменада 3 тонна сутини қайта ишлаш мумкин. Аммо, ҳозирча менинг ўзим бош бўлган фермер ҳўжалигида соғиб олинган 250-300 литр сутни қайта ишлаб, ундан етти хил махсулот — йогурт, юмшоқ пишлок, каймоқ, сузма, қайнатилган сут тайёрлаймиз.

Исроилик дўстларимиз такдим этган ускуналарнинг афзал томони шундаки, сифатли махсулот тайёрлаш билан бир қаторда уни чиройли идишларга қадоклаб беради. Шунинг учун ҳам махсулотимизнинг харидорлари сони кўндан кўнга кўпайиб бормоқда. Шу атрофдаги аҳоли заводимиз ишидан жуда хурсанд. Арзон ва сифатли сут махсулотларини сўйиб истеъмол қилишаётган.


Завод аҳолига қўлайлик яратиш билан бир қаторда бизга ҳам катта фойда келтирипти. Қайта ишланган ҳар бир литр сутдан 5-6 сўм фойда оляймиз. Энг асосийси, етиштирилган сутнинг беҳуда айниб қолишига барҳам берилди. Бунинг устига энди кўпроқ сутни қабул қилиб, кўпроқ махсулот тайёрлаш имкониятимиз бор. Шу мақсадда ўзимдан бошқа яна 4 та деҳқон-фермер ҳўжалиги иштирокида фермерлар уюшмасини ташкил этдик. «Мурод», «Осиё-40», Тоир Эргашев номли фермер ҳўжаликлари ҳам заводга сут етказиб беришмоқчи. Демак, яқин орада махсулотимиз салмоғи ортиб, истеъмолчиларнинг талабини янада тўлароқ қондираимиз.

Тажриба шўни кўрсатишмоқдаки, ишлаб чиқарилган махсулотни қайта ишлашни шу ернинг ўзига йўлга қўйиш деҳқонга ҳам, чорваларга ҳам, истеъмолчига ҳам катта наф берар экан. Буни атиги олти кишидан иборат заводимиз фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Шарoф ХАЙТОВ, «Турон-97» сутни қайта ишлаш заводи раҳбари.

Шаҳноза ТУРСУНБOЕВА, ишчи.

Шаҳноза ТУРСУНБOЕВА, ишчи.



«Акмал Лазиз ўғлининг сергайрат ёшлари».

КИШЛОҚДА «КЕТ ЧУП», «МЕДИС», «ХУРОСОН» ВА БОШҚАЛАР

Бозор иқтисодиёти қишлоқларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Илгари фақат деҳқончилик ва богдорчилик билан шугулланган хўжаликларда кичик қорхоналар ва цехлар пайдо бўлмоқда. Бу — иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги билан амалга оширилаётгани натижаси бўлмоқда. Тадбиркорлар маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга иҳтисослашган қорхона-ларни очаётганлиги ўз на-вбатида ишсизларни до-дий иш билан таъминлаш имкониятини ҳам бераяпти. Мана, мисол. Акмал Лазиз ўғли Байтқўрғон қишлоғида 286 минг доллар маблағ сар-

флаб, қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун яшиқлар ишлаб чиқарадиган қорхона очди. Ҳозир бу ерда 30 киши ишлайпти. Янгиобод қишлоғида Туркия билан ҳамкорликда қурилган «Кет — Чуп Цикл» ҳиссадорлик жа-мияти қорхонаси ҳам 50 на-фар ишсизга иш тоғиб бер-ди. Қорхона қорамол ичаги-

қорхоналар қишлоқлардаги ортиқча ишни қуларини иш билан таъминлаш билан бирга айни пайтда уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ҳам ҳосил қилмоқда. Шўбха йўқки, келгусида улар ўз қишлоқ ва маҳаллаларида аҳолига хизмат кўрсатадиган, маҳаллий хом ашёларни қайта ишлайдиган кичик ва майши хизмат қорхоналарни очадилар. Санаятнинг қишлоққа кириб келаётганлиги оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошираяпти.

Қобилжон АЛИМОВ, туман истикболни белгилаш ва статистика бошқармаси бошлиги.



Фахрийларни соғломлаштириш масканида; беморлар шифокору ҳамшираларга табассум қилишидими, бу дард чекинганлиги демакдир.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

Тумандаги ўзини-ўзи бошқарув ўн та фуқаролар йиғини-га ҳамда 2 та шаҳарчага қарашли 96 та маҳалла мажлис Шў йилнинг биринчи чорағида маҳаллаларнинг 90 фоизи ўзининг ҳар бир йўли билан қурилган идораларига эга бўлди. Туман маҳалла раиси жамғармаси раиси Асқар Ниғматжонов ҳамда маҳалла қўмиталари оқсоқолларининг ташаббуси билан аҳоли пул жамғармаларини жамлаб, ўтган йили 20 километр масофага газ, 18 километр узунликдаги юйга ичимлик суви тармоқлари торти-пти борилди. Қабристонлар ободонлашти-рилди.

Маҳалла жамғармаси ўзининг ҳисоб рақамига эга. Бу эса қатор маҳаллаларда кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бе-риш учун имкон яратмоқда. Кейинги икки йил ичида маҳаллаларда фаоллар бoшчилигида 14 та тўй маросимлари ўтказил-ди.

ҲАР БИР ХОНАДОН ХИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА

Халқимизда тозалик — туман бойлик, деган нақл бор. Қарога озодалик, ободончилик, саранжом-сарниш-талиқ бўлса, шу ерда яхши қайфият, сийхат-саломат-лик, ишда барака бўлади. Туманимиз қишлоқлари азалдан озодаллиги, обод ва қўрқамлиги билан аж-ралиб туради. БУНАГА ҳар бир хонадон ўз хиссасини қўшмоқда. Айниқса, республикамиз Президентининг «Санитария қонунларини бузган-лик учун жавобгарлигини кўпай-тириш тўғрисида»-ги Фармони соҳада кўп ишлар амалга оши-рилди. Белгиланган тадбир асо-сида ҳар бир қишлоқ ва маҳал-лани назорат олинди. Бу ҳудудларга бирктирилган мута-хассонлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан бир-га ҳар ҳафтада кўча ва майдон-ларни, ҳовлиларни айланиб чи-киби, тўпналиб қолган чинки-чиқирларни ташиб олиб ке-тилишига бош қўшмоқдалар. Санитария қонуни қондиларини бузганлиги учун фуқаро ва жа-воб-гар шахслар моддий жазола-нипти. Жулудан, санитария назор-ати кейинги бир ой ичида 42 на-фар фуқаро ва жавабгар шахслар-га энг кам иш ҳақи миқдорининг уч баравари миқдорига жазола-ни ҳисобланади. Бундай чора бошқару-учун ҳам ўз таъсирини кўрсатапти. Биз айни пайтда туманиги 900 га яқин санаят қорхоналари, савдо нуқталари, умумий овқатланиш қор-хоналари, мактаб ва болалар бoшчилигидаги санаятлари ҳудуди-даги халқнинг яхши, ишларида унум бўляпти. Ҳа, соғлиқнинг яхши бўлишига нима етсин.


Тошўялат ДУСМАТОВ, туман давлат санитария назорати бoш шифокори.

Қўш саҳифани «Тошкент ҳақиқатининг» махсус муҳбирлари Рафиқ ТУРСУНОВ, Саидвали ХАСАНОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Умида АХМАД (суратлар) тайёрладилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўхрат таваллудининг 80 йиллигига

АЗОБЛАРНИ БАЎБ КЕТДИ ЮРАГИДА

«ЙИГИРМА беш йиллик қамок жаҳонад...» Шўхрат таваллудин...



қурбонига айланган, айна пайтада, юсак тушунчалар...

Шўхрат драматург, таржимон, тақрибчи мақомида...

Гейне, Бараташвили, Тагор, Пушкин, Лермонтов...

Шўхрат домла ўзбек адабиёти тарихига қўشган...

Устоз адибнинг сўнги йилларида саломатлиги биров...

Сув келса симирдингиз, бўронга бўлиб қалқон, биз учун...

Устоз, адиб ҳаёт бўлганларида айна кунларда саксондан...

Харғиз Шўхратнинг юртдошлари адибнинг ажойиб...

Абдураҳим УМАРБЕКОВ, Ҳашимов НУРМУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон — қўшиқ байрами

АЛЁР БИЛАН УЙҒОНАР БУ ЮРТ...

Қўшиқ!.. У нимадан яралади? Шерданми? Оҳангданми? Ўҳуд хофизининг ўтлиги нафасиданми? Йўқ! Қўшиқ — жондан яралади, томчилаб турган қондан яралади!



Эҳтимол шу боисданми, санъатни ҳамма бирдай севса-да, қўшиқ яратиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

ри бор эди. Республика-мизда таниқли бўлган бастакорлар, шoir ва санъаткорлардан иборат ҳакамлар хайъати эса тавсия этилган қўшиқларни холис баҳолаб, қўриқ-танлов...

ҳайъат аъзоларининг ҳам эътиборини тортди. Танловнинг энг сара қўшиқларидан бири деб тан олинган қўшиқни қўйлаган бу ижрочи паркентлик ўқувчи, туман маданият уйи қатнашчиси Элмурод Йўлдошев эди.

пұл йўллангани қўлга киритди. Фойибларга дипломлар ва пул мукофотлари, эсдалик совғалари топширилди.

қўлга киритган вақилларимиз вилоят аҳлининг, барча санъат илосмандларининг ишончини оқлай оладими? Умуман, вилоят танловида яхши деб топилган бар қанча жиҳатидан айрим камчиликларини тузатиб, уларни халққа етказишга...

Зарифа ЭРАЛИЕВА, «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири. СУРАТЛАРДА: қўриқ-танловдан лавҳалар.

Бир офиз беҳуда сўз...

Одатда сўззамолчилигимизга ишониб, сўхтаб чоғида шеригимизнинг нима дегганига тўшунар тушунам, мавзунин иқиб олиб...

Маънавият бўстони

Тошкент фармацевтика институтига «Маънавият бўстони» мажмуи ташкил этилди.

Об — ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бoш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, 20-24 май кунлари поёқхатимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво мўътадил бўлади.

Кубок: КИМ Зўр бўлса...

13 МАЙ КУНИ мамлакатимизнинг 16 шаҳрида Ўзбекистон кубогининг 1/16 финал учрашувлари бўлиб ўтди.

«МЕТАЛЛУРГ»: ПЕШҚАДАМ ҲАМ ТЎХТАЙДИ

Мамлакат VII миллий чемпионатининг Олий лигасида иштирок этган жамоалар навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. Вақилларнинг «Дўстлик» Тошкентда «Пاختакор» жамоаси бўлди.

«Металлург» эса чемпионат пeshқадими Жазоив вилоятининг «Сўғдийна» жамоасини қабул қилди.

«Металлург» вақиллари би сажар 9-турдан сўнг пeshқадим бўлиб олган «Сўғдийна»ни қабул қилди. Уйингоҳга йиғилган 7 минг томошабин шу кунни ўз жамоасининг ўйинида «боши осмонга етди».

Мирвали Мирхўжаев

ДИЛҚАШ инсон, ташкилотчи, ажойиб оила бошлиғи, малакали мутахассис Мирвали Мирхўжаев бугун орамизда йўқ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48

Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.